# ХАЛҚ КОНТРОЛИ

№ 6 (266)

## БУ САҲИФАДА:


• ҚОҒОЗДА БАЖАРИЛҒАН ПЛАН
• КОМИТЕТГА ШИКОЯТ ТУШДИ.
• ТРАКТОРЛАР ДАЛАДАН ҚАЙТГАЧ...
• ДЎКОНЛАРДАГИ ЎТМАС МАТОҲЛАР


## САҲИФА ПОЧТАСИДАН

### ТРАНСПОРТДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими хўжалик ҳисобидаги гаражида автомобиллардан қандай фойдаланилмоқда? Калинин район халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди.

Текширишдан маълум бўлишича, автогаражда машинадан фойдаланиш назорат остига олинган. 1983 йилда барча техника иқтисодий кўрсаткичлар бўйича белгиланган планлар бажарилган. 40 минг сўмдан зиёд даромад олинган. Бу кўзланганидан 6 минг сўм кўп демакдир. Шу йилнинг ўтган ойларида ҳам белгиланган планлар муваффақиятли адо этилди.

Шу билан бирга автогаражда транспорт воситаларидан фойдаланишда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Жумладан, навбатчи механиклар машиналарни гараждан чиқиш ва қайтиш вақтларини махсус журналда қайд қилиб бормайдилар. Айрим машиналарнинг етакчи қисмлари текширилмаган ҳолда йўлга чиқарилади. Шунингдек, гаражда спидометрдаги кўрсаткичларни ёзиб борадиган журнал йўқ. Йўл варақаларини тўлдиришда камчиликлар мавжуд.

Район халқ контроли комитети автогараж раҳбарларига юқоридаги нуқсонларни тугатиш бўйича тадбирлар белгилаб, уларни зудлик билан амалга ошириш ҳақида кўрсатмалар берди. Халқ контроли группасига ушбу вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш топширилди.

Д. ТАЖАНОВ.

### СЕМИНАР—КЕНГАШ

Чирчиқ шаҳар халқ контроли комитетида штатсиз бўлим мудирлари, халқ контроли группаси раислари ва активлар билан семинар-кенгаш ўтказилди.

Кенгашда 1984 йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар халқ назоратчилари амалга оширган ишлар муҳокама қилинди, иккинчи ярим йиллик учун иш планлари белгиланди. Йиғилишда халқ контроли группаси раислари ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинар-кенгашни шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ў. Омонбоев олиб борди.

Н. МИРЗАЛИЕВ.

## ТЕХНИКАНИ ҚАДРЛАЙЛИК

Яқинда назоратчиларимиз хўжаликларда техникани сақлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг аҳволини текшириб чиқдилар. Давлат техник назорати мутахассислари билан ҳамкорликда ўтказилган бу рейд яхши натижалар берди. Текшириш давомида кўпгина хўжаликларда техникани қадрлаш талаблар даражасида эканлиги маълум бўлди. Жумладан, Калинин номли колхозда барча терим агрегатлари, сеялкалар, тракторлар махсус бостирмалар тагида сақланмоқда. Техника воситалари дала ишларидан сўнг техник кўрикдан ўтказилиб, тайёрлик чизиғига қўйилган. Техникани сақлаш ва унинг самарадорлигини ошириш йўлида Ленин номли, «Интернационал» колхозларида ҳам дурустгина ишлар қилиняпти.

Ҳозирги кунда районимиз колхоз ва совхозларида 7 миллион 475 минг сўмлик қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд. Ҳар йили механизмлар ремонтига 800 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланмоқда. Агар баъзи хўжаликларда мавжуд техника ва қишлоқ хўжалик машиналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланиб, уларни асрашга жиддий аҳамият берилганда, ремонт ишлари ва эҳтиёт қисмлар учун кетаётган маблағ салмоғи анча камайган бўлар эди.

Ҳозир, Н. Ниёзов номли, «СССР 60 йиллиги» колхозларида техникани сақлаш ишлари қониқарсиз аҳволдадир. Машина ва механизмлар очиқ ерларда ётибди. Назоратнинг бўшлиги туфайли ҳали ишга тушмаган янги техникаларнинг запас қисмлари талон-тарож бўляпти. Ушбу хўжаликларнинг халқ контроли группалари техникадан фойдаланиш ва уларни асрашни пухта назорат қилмаяптилар. Ушбу масалада ўтказилаётган рейд ва текширишлар юзаки бўляпти. Текшириш якунлари группа мажлисида атрофлича муҳокама қилиниб, масъулиятсиз шахслар қатъий жазоланмайди. Назоратда таъсирчанлик, изчиллик етишмаяпти.

Бу йил районимиз меҳнаткашлари она-Ватанга 36 минг тонна пахта ва бошқа хил кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилганлар. Йиғим-терим мавсумида район хўжаликларида 180 та пахта териш машинаси, 439 та юк автомобили, 950 прицепли трактор ва бошқа техника ҳамда механизмлар ишлатилади. Ана шу техникаларнинг унумли ишлаши муваффақиятларнинг гарови бўлади. Буни яхши тушунган колхоз ва совхоз халқ назоратчилари техникани асраб-авайлашга қаратилган кўплаб рейд ва текширишлар ўтказаяптилар. Уларнинг талаби билан хўжаликлардаги автогаражларда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жойларда устахоналар, техника сақланадиган бостирмалар барпо этилмоқда. Назоратчилар механизаторларнинг ўзларига бириктилган техникадан қандай фойдаланганликларини мунтазам кузатиб боришяпти.

Ҳар бир техника давлат, ва колхоз мулкидир. Районимиз назоратчилари деҳқоннинг қаноти—қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш, авайлаш ва қадрлашга эътиборини янада кучайтиравердилар.

С. ЕМЕЛИН,
Янгийўл район халқ контроли комитетининг раиси.



● «ГОСКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» Чиноз бирлашмасининг ихтисослашган устахонаси коллективи пахта йиғим-терими кампанияси бошлангунча 1300 та терим аппаратини ремонтдан чиқариб беришга аҳд қилган. Ҳозир бутун эътибор ремонт сифати ва суръатини оширишга қаратилгандир. Ўтказилаётган рейдларда устахона мудири Таваккал Эмиров ҳам актив қатнашяпти. У тайёр бўлган терим аппаратларини яна бир бор кўздан кечириб чиқяпти. Аниқланган камчиликлар ўша жойнинг ўзида бартараф этиляпти.

Суратда: Т. Эмиров навбатдаги техник аппарати ремонти сифатини текширяпти.

В. Сироткин фотоси.

## ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

### НАЗОРАТ БЎЛМАГАЧ...

Тошкент шампан виноси заводида сифат ва самарадорликни яхшилаш соҳасида муайян ишлар қилиняпти. 1983 йил мобайнида хом ашёдан тежамкорлик билан фойдаланиш натижасида маҳсулот таннархи анча арзонлашди.

Аммо шунга қарамай корхонада хомашёни ҳисобга олиш ва ундан фойдаланишда ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд. Жумладан, биохимия цехларида хомашё ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва шишалар аниқ ҳисобга олинмайди. Вино маҳсулотлари идишларга ўлчовсиз қуйилади.

Завод лабораториясида ҳам ишга масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари кўзга ташланади. Бу ерда олинган анализлар махсус журналга ёзиб борилмайди. Тайёр маҳсулот ва анализ натижаларига қараб хомашёнинг аниқ ҳисоби олинмайди. Назоратнинг бўшлиги туфайли заводда баъзан брак маҳсулотлар чиқарилмоқда. Уларни ўз вақтида қайта ишлашга эътиборсизлик билан қаралади. 1983 йили 4216 шиша, шу йил биринчи кварталида 747 шишадаги брак маҳсулот савдо дўконларидан заводга қайтариб юборилган. Текшириш натижасида 3020 шиша брак вино тайёр маҳсулотлар турган жойда сақланаётганлиги аниқланди.

Завод ўтган йили 10 миллион шиша шампан виноси ишлаб чиқарган. Лекин, «Сладкое», «Полусладкое» каби харидорбоп турлар умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг атиги 32 процентини ташкил этади, холос.

Область халқ контроли комитети технологик жараённинг бузилиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига эътиборсизлик билан қаралганлиги учун завод директори Р. Абальянц ва бош бухгалтер О. Биляловларга ҳайфсан эълон қилди.

### БЕНЗИН ҲАВОГА УЧДИ

«Тошкент» локомотив депосида (бошлиғи А. Абдуллаев) шу йилнинг тўрт ойи мобайнида 445 тонна дизель ёқилғиси ортиқча исроф қилиб юборилди. Бунинг сабаби деподаги янги уч секцияли тепловозларнинг ёнилғи сарфлаш нормалари бошқарма томонидан белгиланмаганлиги, ёқилғи-мойлаш материалларининг яхши сақланмаслигидир. Ёнилғи сақланадиган резервуарларнинг аҳволи кишини ташвишга солади. Чунки бу ерларда нефть маҳсулотлари тўкилиб ётибди, паркда ёнғинга қарши чоралар кўрилмаган.

«Ўзбекистон» депосида (бошлиғи Н. Литвинов) ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун тадбирлар ишлаб чиқилганлигига қарамай, уларни амалга ошириш устидан етарли назорат қилинмаётир.

Инвентаризация ўтказилган пайтда ёқилғи омборида ёнғинга қарши инвентарлар йўқлиги маълум бўлди. Ёнилғи сақланадиган резервуар қопқоқлари яхши ёпилмайди. Натижада йилига икки тонна бензин ҳавога учиб кетяпти. Бундан ташқари, бензин колонкаси ишламайди. Ёнилғи машиналарга челаклаб қуйилади.

Бундай исрофгарчилик, хўжасизлик ҳолларини Ўрта Осиё темир йўли Тошкент узели автобазасида (бошлиғи А. Кондратьев) ҳам кўриш мумкин. Бу ерда биринчи кварталда 425 литр бензин исроф қилинган.

Автобазада машиналар ишга чиқиш ва ишдан қайтиш пайтларида жиддий кўрикдан ўтказилмайди. Кўпгина транспортларда спидометрлар ишламайди. Йўл варақаларини ҳайдовчиларнинг ўзлари тўлдириб оладилар. Ёнилғи-мойлаш материаллари ой сайин ҳисоб-китоб қилиб борилмайди. Натижада автобазада йилига ўртача 1500 литр ёнилғи ортиқча исроф қилиняпти.

Область халқ контроли комитетида Тошкент темир йўл бўлими корхона ва ташкилотларида ёнилғи-мойлаш материалларидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги таъкидланиб, жавобгар шахсларга тегишли жазо берилди.

## ШИКОЯТЛАР ЎРИНЛИ ЭКАН

«...Бўкадаги магазинларга қачон кирманг молларни яшириб сотишаётган бўлади. Биров уларнинг мушугини «пишт» демайди. Савдо заллари ифлос, теварак атрофга қараб бўлмайди...»

Район давлат банки бошқарувчиси, район халқ контроли комитетининг савдо бўйича штатсиз бўлим мудири Шокир Одилов шикоят хатидаги бу сатрларни ўқиди-да, кейин раисга юзланди.

— Оммавий рейд ўтказиш пайти келиб қолдими, дейман. Савдо ходимлари ҳаддиларидан ошиб кетишибдику. Хўп десангиз штатсиз активларни тўплаб, савдо шохобчаларини текшириб чиқамиз.

Штатсиз бўлим мудирининг таклифи район халқ контроли комитети раисига маъқул тушди. Ўша кунийёқ 20 кишилик рейд бригадаси тузилди ва эрталаб текширувга киришилди. Рейд тўсатдан бўлгани учун ҳам сотувчилар кам-кўстларини тўғрилашга улгура олишмади. Текширув ўтказилган куни 14 та магазинда қанд, туз, ун, гугурт каби кундалик рўзғор моллари йўқ эди. Устига устак Бўка матлубот жамиятига қарашли 3-магазин мудири Ҳ. Умаров савдо пайтида харидорнинг ҳақидан 1 сўм 51 тийин уриб қолди. Назоратчилар харид қилинган молларни қайта ҳисоб-китоб қилишганида Ҳ. Умаров қизариб-бўзариб кетди.

— Бироз янглишибмизда, — деди у ўзини беозор кўрсатишга ҳаракат қилиб.— Савдода ким ҳам хато қилмайди, дейсиз.

Назоратчилар ўз фойдасига янглишган савдо ходими устидан акт тузишаётганда Ҳ. Умаровнинг фиғони фалакка чиқди. Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидек, назоратчиларга дўқ ҳам қилиб кўрди, ялиниб ҳам кўрди. Барибир бўлмади. Назоратчилар бор гапнинг ҳаммасини қоғозга туширишди.

6-дўкон мудири Ҳ. Тўйчиева ҳам қўли эгриликда Ҳ. Умаровдан қолишмас экан. У харидорларнинг биридан 1 сўм 98 тийин уриб қолдида, яна ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир чойини ичаверди. Назоратчилар қайта ҳисоб-китоб қилишгандан сўнг Ҳ. Тўйчиева ўзини қўярга жой топа олмади.

Шундай хунук манзара бошқа савдо шохобчаларида ҳам кўзга ташланди. «Ташоблсельстрой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялашган колоннанинг 6-ишчи таъминоти бўлими магазини сотувчиси Н. Дўстмуҳамедова, Бўка матлубот жамиятига қарашли 31-магазин сотувчиси Т. Абдукаримова, Кўкорол матлубот жамиятига қарашли 4-магазин сотувчиси Д. Дуйсенбекова кабилар ҳам харидорларнинг кўзини шамғалат қилиб, 90 тийиндан 26 тийингача уриб қолдилар.

Назоратчилар озиқ-овқат магазинларидаги аҳволдан ранжиб, саноат моллари магазинига ўтдилар. Бу ерда ноёб молларни беркитиб сотиш авжига минган экан. «Болалар дунёси» магазини, «Лола» универмаги пештахталари остидан чет элларда тикилган чиройли кўйлаклар, ихчам ва қулай панталеткалар чиқди. Уларнинг ҳаммаси дарров рўйхатдан ўтказилди.

Штатсиз савдо бўлими ўтказган оммавий рейд якунлари район халқ контроли комитети йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Рейд иштирокчилари савдо ходимларининг ножўя ишларини қоралаб гапирдилар. 3-магазин мудири Ҳ. Умаров ўз вазифасидан четлатилди. Бошқа савдо ходимлари ҳам тегишли жазо олдилар.

### КОМИТЕТ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Меҳнаткашлар шикоятлари ва таклифлари билан ишлаш бўйича тузилган жамоатчилик бюроси ҳам комитет муҳокамасига муҳим-муҳим масалаларни қўйяпти. «Ташоблсельстрой» трестига қарашли 4-кўчма механизациялашган колонна участкаси мастери Баҳром Расулов бюрога раҳбарлик қиляпти. Бюро аъзолари яқинда район социал таъминот бўлимида хат ва шикоятларга қандай муносабатда бўлинаётганлигини текшириб келдилар. 8 кишилик рейд бригадаси бу текширувда кўпгина нуқсонларни очиб ташладилар. Езма шикоятлар узоқ вақт жавобсиз қолаётганлиги кишиларни ранжитаётган эди. Оғзаки шикоятлар эса бутунлай ҳисобга олинмайди. Пенсионерлар билан учрашувлар ўтказиш, очиқ хатлар кунини ташкил этиш бўйича белгиланган тадбирлар бажарилмай келяпти. Шунга ўхшаш камчиликлар район социал таъминот бўлими мудири А. Мусаевга кўрсатилди. Шикоят ва хатлар билан ишлашни янада яхшилаш юзасидан маслаҳатлар берилди.

Бюро аъзолари комитетга тушаётган ҳар бир шикоятни синчиклаб ўрганишади. «Кўкорол» совхозидан тушган сигналларнинг бирида 1-бўлимнинг Б. Шарипов бошлиқ 2-бригадасида маккажўхорига «ўгай» кўз билан қаралаётганлиги маълум қилинган эди. Маккажўхори тайёрланмаган ерга экилгани учун униб чиқмади. Кейин қайта экишга тўғри келди. Ортиқча 100 килограмм уруғлик сарфланди.

Текширув пайтида ғўза парвариши ҳам ўлда-жўлда эканлиги аниқланди. Бюро аъзоларининг талаби билан беғам бригадир ўз вазифасидан бўшатилди, бўлим бошқарувчиси М. Худоёров эса қаттиқ огоҳлантирилди.



— Штатсиз бўлимлар бизнинг ишонган таянчларимиздир,— дейди район халқ контроли комитети раисининг ўринбосари Шуҳрат Маматов.— Штатсиз бўлимларнинг жамоатчи активлари комитет топшириқларини тез ва пухта бажариб келмоқдалар. Улар тайёрлаётган масалалар кўпчилик эътиборини қозоняпти. Камчиликларнинг олдини олишда, маълум бўлган нуқсонларни бартараф этишда штатсиз активлар бизга катта ёрдам бермоқдалар.

Ж. НОСИРОВ.

### ЭҲТИЁЖ ҲИСОБГА ОЛИНМАГАЧ...

Оққўрғон ва Чиноз район савдо дўконларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур молларни топиш амри маҳол. Харидорлар айниқса, эркаклар ва аёллар учун ёзги кийимлар, уй-рўзғор буюмларни қидириб сарсон бўлишмоқда. Дўконларда қишлоқ аҳолисига зарур бўлмайдиган моллар уюлиб ётибди.

Ҳар икки район матлубот жамиятлари союзида 1983 йил товар оборот плани бажарилмаган. Чиноз район матлубот жамиятлари союзи савдо тармоқларида шу йилнинг тўрт ойлик товар обороти плани ҳам ўринланмади.

Умуман область матлубот жамиятлари тармоқларида ўтган йили товар обороти плани 96,7 процентда қолиб кетди. Мавжуд 15 та район матлубот жамиятлари союзидан 12 тасида савдо хизмати кўрсатиш плани бажарилмади. 1984 йилнинг тўрт ойлик товар обороти плани область бўйича бажарилган бўлса-да, 350 савдо дўкони бу соҳада оқсаяпти.

Дўконларда нормадан ташқари товар запаслари кўпайиб боряпти. Жумладан, 1984 йил 1 январгача дўконларда 65,4 миллион сўмлик ортиқча мол бор эди. Тўрт ойда булар кўпайиб 68,6 миллион сўмликни ташкил этди.

Маълумки савдо ташкилотлари аҳолининг эҳтиёжлари, жойлардаги маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқадиган заруратларни доимо ҳисобга олиб боришлари керак. Шаҳар аҳолисига зарур бўлган молларни қишлоққа олиб бориб ташлаш, қишлоққа керак нарсаларни шаҳардаги дўконларга уюб қўйиш тўғримикин. Ахир, наҳотки одамлар кетмон ёки ўроқ олиш учун қишлоқдан шаҳарга тушса?

Умумий овқатланиш тармоқлари ишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Тўрт ой мобайнида санитария-эпидемиология станцияси томонидан Оққўрғон районидаги умумий овқатланиш тармоқлари идорасига қарашли 31 ошхона ёпилди, 16 ходимга жарима солинди. 101 ходим эса ишдан бўшатилди. Чиноздаги умумий овқатланиш тармоқлари идораси ошхоналаридаги аҳвол бундан ҳам баттар. «Олмазор» умумий овқатланиш тармоқларида ишловчи М. Османов харидорларни алдашдан чўчимайди. «Чиноз» овқатланиш тармоқлари кабобпази М. Юнусов назоратчиларни текширишга қўймай уларга қўпол муомала қилди.

Область халқ контроли комитети Оққўрғон район матлубот жамиятлари союзи правлениесининг раиси Исабоев ва Чиноз район матлубот жамиятлари союзи правлениесининг раиси Ражабовга йўл қўйилган камчиликлар учун ҳайфсан эълон қилди.

Шунингдек, «Оққўрғон», «Чиноз», «Олмазор» умумий овқатланиш тармоқлари идораларининг директорлари Э. Туронов, М. Қодиров ва А. Йўлдошевларга ҳам қатъий ҳайфсан эълон қилинди.

## ГРУППА ҲИСОБ БЕРДИ

Шу йил март ойида Чорвоқ посёлкасининг Солнечний массивидаги 32-уйда яшовчилардан шикоят тушди. Шикоятда иситгич системалари ишламаётганлиги, иссиқ сув йўқлиги эътироф этилган эди. «ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармаси халқ назоратчилари шикоятни текшириб чиқишди. Ҳақиқатан ҳам уйнинг сув юритгич трубалари занглаб, ишдан чиққан экан. Бош группа йиғилишида аҳвол атрофлича муҳокама этилиб, уйни капитал ремонт қилишга қарор қилинди.

Бизнинг фаолиятимизда бундай оперативлик одат тусига айланиб қолган. Ўтган йили йигирмадан ортиқ текшириш ва рейдлар ўтказган бўлсак, шуларнинг кўпчилиги меҳнаткашлардан тушган сигнал ва шикоятлар асосида уюштирилди. Иш сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ёнилғи-мойлаш ва қурилиш материалларини тежаш масалалари ҳам фаолиятимизда асосий ўринларни эгаллайди. Жумладан, шу йилнинг беш ойи мобайнида тежамкорлик бўйича 8 та текшириш ўтказилди.

Бош группамиз 17 та группа ва 3 та халқ контроли постига раҳбарлик қилади. Бош группа қошида 6 та сектор тузилган бўлиб, улар асосан давлат планларининг бажарилиши, иқтисод ва тежамкорлик, пул маблағларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, транспорт ва механизмларни унумли ишлатиш каби ишларни назорат қиляпти. Ҳар бир сектор бош группа бюроси тасдиқлаган квартал ва йиллик план асосида иш олиб боради.

Актив фаолият ҳақида гап кетганда энг авало энергетика участкасининг В. Кудашев ва 2-участканинг К. Сирлибоев раислик қилаётган халқ контроли группаларининг олиб бораётган ишларини фахр билан айтиб ўтиш лозим. Ҳар икки группа аъзолари қурилиш материаллари, электроэнергия ва ёнилғини тежаш борасида муайян тадбирларни амалга ошираётир. Ўтган йили бошқарма бўйича 10 тонна қора металл, 14,3 куб метр ёғоч материаллари, 306 минг шартли тонна ёнилғи, 158 минг киловатт-соат электр энергияси ва 7 тонна дизель ёқилғиси тежалди. Бу соҳада айниқса мана шу икки группа намунали иш олиб борди.

Аммо, барча группаларда иш кўнгилдагидек боряпти деб бўлмайди. Яқинда «ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармаси партия комитети йиғилишида бизнинг ҳисоботимиз тингланди. Унда халқ назоратчилари ишидаги муваффақиятларни таъкидлаш билан бирга, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар қайд қилинди. Парткомда халқ контроли фаолиятида ошкоралик, оперативлик етишмаётганлиги эътироф этилди. Айниқса, механизмлардан фойдаланиш, ремонт қилиш участкаси ва биринчи участка халқ контроли группалари иши қаттиқ танқид қилинди. Жойларда «Халқ контроли экрани» мунтазам чиқарилмаётганлиги, «Огни Чарвака» кўп тиражли газетасида назоратчиларнинг иши дуруст ёритилмаётганлиги таъкидланди.

Ҳақиқатан айрим жойларда брак маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш вақтидан унумли фойдаланмаслик, хўжасизлик ҳоллари юз бермоқдаки, буларга қарши халқ назоратчилари актив кураш олиб боришлари керак.

Биз ҳозир партия комитети кўрсатмалари асосида ишимиздаги камчилик ва нуқсонларни зудлик билан тугатишга киришганмиз. Аминманки, бошқарманинг 193 кишилик халқ контроли группа ва постлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар.

Р. НОРМАТОВ,
«ЧарвакГЭСстрой» қурилиш бошқармаси халқ контроли бош группасининг раиси.

### «НАЗОРАТЧИЛАР ЭКРАНИ»

Тежамкорлик — кундалик ишимиз! Ҳар томчиси ҳисобда! Бундай даъваткор сўзлар Коммунистик районидаги 121-автокорхона халқ контроли группасининг мунтазам чиқиб турадиган «Назоратчилар экрани»да тез-тез кўзга ташланади. Ҳақиқатан ҳам моддий ресурсларни иқтисод қилишда варақа муҳим роль ўйнаяпти.

Варақанинг кейинги сони ҳам коллектив ҳаётига доир қизиқарли материаллар билан чиқди. Корхона коллективи ишлаб чиқариш планларини ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан бирга бу йил 15 тонна ёнилғи, 7 минг киловатт-соат электр энергияси, 20 комплект автомашина, 12,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни тежаб қолишга аҳд қилган. Ана шу мақсад йўлида корхона халқ назоратчилари ва уларнинг жанговар экрани изчиллик кўрсатяпти.

Р. ДОВУТБЕКОВ.

## ОҚ ҚОҒОЗНИНГ АРЗИ




Мулла Назоратга!

Эй, бундан кўра куйиб кул бўлиб, тувакдаги гулларга ўғит бўлганим яхшимасми! Офтобда сарғайиб, ёмғирда увиб кетсам бўлмайдими! Носфурушнинг хизматини ўташга ҳам рози эдим, бу кунимдан кўра. Вой ноинсофлар-ей, қоғоз ҳамма номаъқулчиликни кўтараверади, деб оппоқ бетимни ёлғон гаплар, сохта рақамлар билан чаплайверишадими? Қоғоз бўлсам ҳам оҳ тортсам, ичимдан тутун чиқиб кетади-я, биродарлар!

Келинг, яхшиси сизни Тошкент химия-фармацевтика заводи раҳбарларининг найранглари билан бафуржа таништира қолай.

Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларнинг ҳаммаси шу корхонада юз бермоқда. Планни бажариш қонун. Заводда буни яхши билишади. Шу боисдан давлатни алдаб бўлса ҳам планни бажаришга интилишади. Ахир план бажарилса ҳаммага яхши-да. Юқоридан ҳеч ким коймайди, қолаверса, маош, мукофот пули деган оҳанграболар бор.

1983 йили реализация қилинган маҳсулотларга 113 минг сўмлик аслида йўқ маҳсулотлар ҳам реализация қилинди деб қўшиб юборилди. Бу найрангни ҳеч ким сезмади. Шундан сўнг биринчи кварталда реализация қилинган маҳсулот ҳажмига яна 39 минг сўмлик «қўшимча» қўшилди. Буни ҳам ҳеч ким сезмади. Фақат, мен бечора қоғозгина бу найрангбозликларнинг барчасини кўтариб юравердим.

Ўз-ўзидан маълумки, аҳвол шундай бўлгач, шартномалар бўйича жойларга маҳсулот етказиб бериш планларини бажариш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ўтган йили 3362 минг сўмлик дори-дармон етказиб берилмади. Шартномада белгиланган маҳсулотлар ўз вақтида жўнатилмаганлиги учун завод катта-катта жарима тўлаб келаётир. Жумладан, ўтган йили 62,5 минг сўмлик, шу йил биринчи кварталида эса 45,5 минг сўм миқдорида жарима тўланди.

Корхонада меҳнат интизоми яхши эмас, иш бир маромда бормайди. Асосий маҳсулот ойнинг сўнгги декадасида ишлаб чиқарилади. Бундай штурмбозликда маҳсулот сифати бузилиши табиийдир. Ой охирида чиқарилган маҳсулотлар асосан Тошкент шаҳрига берилади. РСФСР, Белоруссия, Украина каби қардош республикалардаги буюртмачилар эса шартномада белгиланган ҳажмдаги маҳсулотларни тўла олишмайди. Завод раҳбарлари 220 минг сўмлик маҳсулотни шартнома тузилган истеъмолчилар қолиб, бошқа жойларга ўтказиб юборганлигини тушуниш қийин.

Корхонанинг таъминот ва ишлаб чиқариш бўлимларида мутаносиблик йўқ. 5, 6-цехларда хом-ашё етишмаслиги туфайли биринчи квартал плани бажарилмади. Завод филиалида содир бўлаётган ғалати воқеалар ақлидрокни шоширади. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқарилди, деб сохта ҳужжат тайёрлаш натижасида иш ҳақи фондидан 7151 сўм ошиқча сарф қилинган. Ишчиларга ғайри қонуний равишда катта миқдорда мукофот пули тўланган. Филиалда тайёр маҳсулотлар истеъмолчиларга омбордан эмас, цехнинг ўзидан берилади. Бу эса талон-тарожликка сабаб бўляпти. Эй, сизга қай бирини айтсам экан...




ОҚ ҚОҒОЗГА!

Бечора оқ кўнгилли оқ қоғозгинам. Эшитдим, ҳаммасидан хабарим бор. Заводдаги ҳийла-найранглар бир сени эмас, балки, кўпчиликни ташвишга солиб қўйган экан. Яқинда корхонада бўлиб, сен айтган гаплар тўғрилигига шубҳамиз қолмади.

Область халқ контроли комитетида завод директори Э. Шевченко, унинг ўринбосарлари Ф. Саъдуллаев, Т. Раҳматуллаевларга қаттиқ ҳайфсан, бош бухгалтер Л. Сбитневага эса ҳайфсан берилди. Давлатга етказилган зарарни қоплаш мақсадида Ф. Саъдуллаев ва Т. Раҳматуллаевларга 3 ойлик маошлари миқдорида пул начёти солинди.

Корхона раҳбарлари ишни тубдан яхшилашга ваъда беришди. Кўрайликчи, бу ёғи қандай бўларкин.

Мулла НАЗОРАТ.
Хатларни оққа кўчирувчи.
А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

